O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 10 январь, № 7 (4160) Чоршанба

ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ УМУМЖАҲОН ПОЙТАХТИ

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилди.

Бутун Осиё қитъасининг вакили бўлган Тошкент билан бир қаторда араб дунёсидан Фес (Марокаш) ва Триполи (Ливия) шаҳарлари, шунингдек, Африка қитъасидан Сенегал пойтахти — Дакар шаҳарлари ҳам Ислом маданиятининг пойтахтлари, деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазовор бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти мусулмон дунёсида ўзига хослиги, маҳобатли мадраса ва масжидларининг бинолари, минглаб нодир қўлёзмаларга бой бўлган кутубхоналари, ислом уйғониши даврининг буюк усталари, аллома ва меъморлари ижодига мансуб намуналари кўз қорачиғидай авайлаб-асралаётган музейлари билан бутун дунёдан келаётган меҳмонларини ҳайратга солади. Тошкентда Имом ал-Бухорий номли Тошкент ислом институти, Кўкалдош номидаги мадраса ва Президент И.Каримов ташаббуси билан барпо этилган Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари диний уламолар, диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбашунослик, жаҳон иқтисодиёти ва информатика мутахассисларини тайёрлайди. Ўз йўналиши бўйича МДҲ ҳудудидаги ягона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ислом университетида жуда кўп мароталаб дин ва сиёсат, бағрикенглик ҳамда замонавий дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг долзарб мавзуларига бағишланган халқаро конференциялар, семинар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтган.

Жаҳондаги минглаб шаҳарлар орасидан айнан Тошкент 2007 йилда Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти, деб танланди. Тошкент номзодининг танланишида ISESCO биринчи галда республика раҳбариятининг ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом цивилизацияси ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва кўз қорачиғидай асраш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар эътиборга олинди.

Шунингдек, ISESCO-нинг бундай тўхтамга келиши Осиё қитъасидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири — бой маданиятга эга бўлган Тошкентнинг дунё тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутиши билан изоҳланади.

«Жаҳон» АА.

МУНОСИБ МАҚОМ

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкентга 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти мақомининг берилиши хорижий мамлакатларнинг Тошкентдаги дипломатия ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари томонидан кенг ва қизғин шарҳланмоқда.

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн Ўзбекистон бош кентининг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишини муносиб мақом, деб баҳолади.

— Тошкентда "Жаҳон маданияти ёдгорликлари" рўйхатига киритилган Усмон қуръони ҳамда Беруний кутубхонаси сақланмоқда, Бароҳон, Кўкалдош мадрасалари, Қаффол Шоший, Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон, Занги ота ёдгорлик мажмуалари бинолари асраб-авайлаб келинмоқда. 2007 йилда ушбу муҳим воқеа муносабати билан ЮНЕСКО Марказий Осиё ислом меросига бағишланган халқаро конференцияни Тошкентда ўтказишни режалаштирмоқда, — деб таъкидлади ЮНЕСКО ваколатхонасининг раҳбари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар Фонди – ЮНИСЕФ ваколатхонасининг раҳбари Ризо Ҳусайний ҳам Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият фонди — ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкентга Ислом маданияти пойтахти мақомининг берилиши муносабати билан ўзбекистонликларни муборакбод этди.

— Ўзбекистон қадим замонлардан бери ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирлар жаҳон ислом маданияти ва фанига салмоқли ҳисса қўшганлар, — деб таъкидлади Р.Ҳусайний.

— Тошкентда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон шаҳарнинг маданий ва тарихий муҳитини қалбан ҳис қилади, — дейди **БМТ Аҳоли зичлиги фонди (ЮНФПА)нинг Ўзбекистондаги вакили Холид Филби.** — Музейлар ва мадрасаларнинг маҳобатли бинолари, Тошкент ислом университети фаолиятида акс этаётган сермазмун ислом маданияти шаҳарни бутун Осиё қитъасидаги энг ёрқин ислом маданияти марказларидан бири, деб эътироф этилишига сабабчи бўлгани табиийдир.

Узоқ тарихдан бошлабоқ мусулмон дунёси тарихида асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган, жаҳонга Бухоро, Самарқанд, Хивани туҳфа этган Ўзбекистоннинг гўзал пойтахти энг муҳим исломий марказлардан бири, деб эътироф этилишга ҳар томонлама муносиб.

— Ушбу тўғри ва адолатли қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг бой исломий маданияти билан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ, — деди **Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Бернар Арт** ISESCO қарорини шарҳлар экан. — Мусулмон оламининг жаҳонга машҳур қатор олимлари, файласуф ва шоирлари ушбу мамлакат ҳудудида етишиб чиққанлар. Тошкентнинг ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб тан олиниши жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистондаги бой исломий мерос билан яқиндан танишиш имконини беришига шубҳа йўқ.

"Ўзбекистон бундай эътирофга лойиқдир, — дейди **Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Дэвид Моран.** — Мусулмон оламининг энг муҳим ёдгорлиги — Усмон қуръони Ўзбекистонда сақланади. Тошкентнинг ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб эътироф этилиши Ғарб жамоатчилигида унинг бой ва ўзига хос тарихий-маданий ҳамда маънавий меросига қизиқишни кучайтиради. Ўзбекистон халқи Тошкент билан бир қаторда Самарқанд, Бухоро, Хива каби улуғвор ҳамда гўзал шаҳарлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди."

— Мен Таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ислом ташкилотининг 2007 йилда Тошкентни ислом маданияти пойтахтларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қароридан беҳад хурсандман, — деди **Миснинг мамлакатимиздаги элчиси Нодия Қаффофий.** — Тошкентнинг ўтмиши ва қадимдан сақланиб келаётган бой меросини эътиборга олган ҳолда мазкур қарор адолатли қабул қилинган, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон шаҳарлари ислом дини ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўплаб меъморчилик ёдгорликлари ила дунёда ном таратган. Қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳам Тошкент билан бир сафда жой олишга сазовордир.

Иорданиянинг Тошкентдаги Муваққат ишлар вакили Муҳаммад Юсеф Балқар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг қарорига биноан, Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги хабарни мамнуният билан қабул қилганини таъкидлади. Шу ўринда, деди М.Балқар, Ўзбекистондаги Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ҳамда уларда яшаб ижод қилган ал-Хоразмий ва ал-Бухорий каби буюк алломалари ислом маданияти ва илм-фанининг ривожига улкан ҳисса қўшганликларини айтиб ўтишни истар эдим.

Мен ўтган йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирларда иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистонда ислом цивилизациясининг моддий ва маънавий меросларидан бўлган нодир ёдгорликларни сақлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар менда катта таассурот қолдирди.

Фикримча, фақат 2007 йил билан чекланиб қолмасдан, Тошкент шаҳрининг мусулмон маданиятининг ривожидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, унга ислом маданиятининг доимий пойтахти, деган мақомни бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар томонидан Тошкентга Ислом маданияти пойтахти мақомининг берилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ислом маданияти ривожига қўшган юксак ҳиссасининг тан олиниши, деб ҳисоблайман, — дейди мамнуният билан **Бангладеш элчиси Суҳроб Ҳусайн.** — Тошкентга берилган ушбу юксак мақом Ўзбекистоннинг халқаро майдон ва ислом оламида нуфузи янада ошганлигидан далолат беради. Ушбу қарор Ўзбекистон раҳбарияти томонидан буюк ислом алломалари ва мутафаккирлари, шу жумладан, Имом ал-Бухорийнинг бой маданий ва маърифий меросини тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси эканлигини алоҳида таъкидлайман.

Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги элчиси Мансур ал-Мансур ҳам юртдошларимизни ушбу муҳим воқеа муносабати билан табриклаб, жумладан, шундай деди:

— Мен Таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ислом ташкилотининг Тошкент шаҳрини Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиш ҳақидаги қарорини тўла қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон пойтахти ушбу фахрли унвонга муносибдир. Мазкур қадимий ва шу билан бирга, замонавий шаҳар бутун дунёдан келган кўплаб меҳмонлар ва сайёҳларда ўчмас таассурот қолдиради. Тошкент келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш учун авайлаб сақланаётган муҳташам меъморчилик обидалари, мадрасалар, масжидлар, музей ва кутубхоналарга бой шаҳардир. Осиёнинг кўпгина шаҳарлари орасида айнан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти сифатида эътироф этилиши қувонарли ҳолдир.

— Эрон томони Ислом конференцияси ташкилотининг Тошкент шаҳрини 2007 йилда жаҳон ислом маданиятининг тўрт пойтахтларидан бири, деб эълон қилиш борасидаги қарорини олқишлайди, — деди **Эрон Ислом Республикаси дипломатик ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Фатҳали.** — Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини ушбу аҳамиятга молик унвон билан муборакбод этаман. Дарҳақиқат, Тошкент жаҳон маданий мероси марказларидан бири саналади. Шубҳасиз, Ўзбекистон пойтахти дунё ислом маданиятига улкан ҳисса қўшган шаҳарлардандир.

"Жаҳон" АА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб ҳамда ёзувчи таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида:

1.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, республика Маънавият тарғибот марказининг Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Ташкилий қўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

Жумладан:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2007 йилнинг сентябрь ойида «Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий-амалий конференция, Ўзбекистон миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча ўтказиш;

2007 йилнинг май ойигача Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг экспозициясини бойитиш, музейдаги мебеллар ва санъат асарларини реставрация қилиш, музей биноси томини капитал таъмирлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон театрларида Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш чораларини кўрсин.

3.Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Бадиий академия ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳайкалини яратиш ва уни белгиланган тартибда ўрнатиш бўйича таклиф киритсин.

4.Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда бир ой муддатда таълим муассасаларида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ташкил этиш режасини ишлаб чиқсин.

5.Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда адибнинг 100 йиллигига бағишлаб Абдулла Қаҳҳорнинг бир жилдлик сайланма асарларини ҳамда Кибриё Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" хотиралар китобини қайта нашр этсин.

6.«Ўзбеккино» миллий агентлиги 2007 йилнинг июнь ойигача Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган янги ҳужжатли фильм яратсин.

7.Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2007 йилнинг июль ойигача Абдулла Қаҳҳор сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ҳамда конвертлар туркумини чиқарсин.

8.Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, матбуотда мақолалар чоп этиш ва юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9.Молия вазирлиги юбилей тадбирларини молиялаштиришни 2007 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларида маданият соҳаси учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширишни таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 январь.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" номи билан аталган 2006 йил тарих саҳифаларидан жой олди. Ўтган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, журналистлар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2006" танловига таклиф этамиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.

Ғолиблар анъанавий касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилади:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87. Факс: 144-69-65

E-mail: ijod@ sarkor.uz www.Journalist.uz

ЭШИТДИНГИЗМИ?

2006 йилда жаҳон бўйича 156 та самолёт ҳалокатга учради. Бу эса сўнгги 43 йилда кузатилган энг паст кўрсаткичдир. 2005 йилдагига қараганда эса, авиаҳалокатлар сони 11 фоиз камайган.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Қиш изғирини юз-кўзларни чимчилаётган кезларда яккатутликлардан бир гуруҳини Избоскан туманида тугатилаётган Шермат Юсупов номли ширкат хўжалигининг маъмурий биносида учратдик. Ичкари иссиқ, гўё баҳор тафти уфуриб тургандай. Тўпланганлар экин майдонларининг чизмалар билан ажратилган лойиҳалари устида астойдил баҳс юритишарди.

«АСЛ ФЕРМЕРЛАРГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ»

— ер олишга талабгорларнинг сўзи бу

— Бу ерларнинг пасту баландини яхши биламан, — дейди Нўъмонжон Жўраев 45,7 гектарлик бешинчи лойиҳа хусусида сўз юритаркан. — Чунки оиламиздан ўн киши шу жойда пудратчи бўлиб ишлаганмиз. Ғўза ўстириб, сув тараганмиз. Тўғри, ер бирмунча кучсизланиб қолган. Мабодо танловда ютиб чиқсам, қиш бўйи дала бошига гўнг таширдим, ерни ўғитга тўйдирардим.

— Ғолиб бўлишингизга ишонасизми?

— Ҳозирча бир нима деёлмайман. Нега деганда, яна тўрт нафар даъвогар бор. Улар ҳам илгари ширкатимизда ишлашган. Ҳар бирининг техникаси ва маблағи ҳам етарли.

— Сизнинг-чи?

— Тўғрисини айтсам, маблағим бор-у, аммо техникам йўқ. Лекин ишчи кучи бўйича ҳаммасидан олдиндаман.

— 12 йилдан бери ширкатда пудратчи бўлиб ишлайман, — дея сўзга қўшилади 12-лойиҳага талабгор Шуҳратбек Пирматов. — Атрофимиздаги фермерларга ҳавасим келади. Ишлашяптиям, ишига яраша ҳақ олишаяптиям. Шу боис бардонларида ботмонлаб дони, қўраларида қўш-қўш қорамоли бор. Ўшаларга ўхшасам, дейман. Лойиҳага 38 гектардан сал ортиқ ер киритилган. Аёлим, ўғлим, аввалдан бирга ишлаб келаётган сувчию теримчиларни ёнга олсам, бемалол ишни уддалаб кетаман.

— Лойиҳага нечта ариза тушгани билан қизиқдингизми?

— Ишонсангиз, ер тушларимгаям кириб чиқяпти-ю, қизиқмай бўладими? — ярим ҳазил, ярим чин маънода жавоб беради Шуҳратбек. — Бир қишлоқдан олти киши шу ер учун курашяпмиз. Улардан биронтаси ғолиб чиққудай бўлса, қатларига кириб, деҳқончилик қиламан. Ўзим фермер бўлсамчи, ўша биродарларимни ёнимга оламан. Ниятимиз шу.

— Лойиҳаларга даъвогар бўлаётганлар орасида четдан келганлар ҳам борми? — сўраймиз Жамоатчилик Кенгашининг раиси Мирҳожиддин ака Тўхтасиновдан.

Унинг жавоби лўнда бўлди:

— Бугунги талабда «Ўз ерларингга ўзларинг эгалик қилинглар» деган фикр устувор. Минг қуллуқ! Шундай экан, энди биров четдан келиб еримизга эгалик қилолмайди. Юқорида турволиб ҳуда-беҳудага аралашавермайди.

Маълумотларга қараганда, бу хўжаликда пахтачилик ва ғаллачилик бўйича 20 та, чорвачилик йўналиши бўйича битта лойиҳа тайёрланган. Ширкат ўрамида яшаб, меҳнат қилаётганлардан 103 та ариза тушган. Бу — бир ўринга 5 та талабгор бор, дегани. Ана шу кўрсаткич «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида 5,2, «Андижон», «Чўнгбоғиш», «Шарқ юлдузи» ширкатларида эса 4,8 таданга тўғри келмоқда.

— Фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкатларни тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнининг қонунийлигини таъминлашга, уларнинг мол-мулклари, техника воситалари, барча ижтимоий инфратузилма иншоотлари, ирригация ва мелиорация тармоқларининг хатловдан ўтказилишига, уларнинг ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик йўли билан арзон-гаров сотиб юборилишининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи Бахтиёржон Йўлчиев. — Назорат тадбирлари давомида ширкатларнинг иқтисодий аҳволи таҳлил этилди. Тўлов интизоми талабларининг бузилиши, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик ҳамда иш ҳақидан қарздорликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди. Ширкатларнинг барча мансабдорлари, масъулларига ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлардан етарли хулоса чиқаришлари, қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймасликлари яна бир бор эслатиб ўтилди.

Шу кунларда ўз умрини яшаб бўлган 65 та ширкатни тугатиш ва уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ишлари қизғин кетмоқда. 3 минг 33 та лойиҳа тайёрланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 58 минг 357 гектар суғориладиган экин майдони, 402 гектар токзор, 1467 гектар тутзор ер билан тиллаша биладиган, фидойи инсонларга берилиши кўзда тутилган.

Биз жойларда бўлганимизда, танловларнинг қонуний, ошкорлик, ҳаққоний ва энг муҳими, адолатли тарзда ўтказилиши, танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Айни пайтда қишлоқ мулкдорларига хизмат кўрсатувчи 2 та ахборот таъминоти ва консалтинг, 7 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, 25 та ёнилғи-мойлаш материаллари, 19 та минерал ўғит сотиш шохобчаси, 58 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 7 та зооветеринария хизмати пункти, 6 та мини банк, 64 та муқобил МТП очиш мўлжалланмоқда.

Хурсандлиги, танловлар бошланадиган кунни интиқлик билан кутаётгани юзкўзларидан шундоққина кўриниб турган яккатутлик талабгор Абдуллажон Ҳожиматов ҳамқишлоқлари эътиборини ўзига қаратар экан, «Ерни бизга ким беряпти?» деган саволни ўртага ташлади. Кейин эса ҳамманинг дилида, қалб тўрида турган жавобни ўзи айтди: муҳтарам Юртбошимиз, ҳукумат қиляпти бундай ғамхўрликларни! Лекин бир нарсани айтиб қўяй: фермер бўлиш осон эмас. Унинг уддасидан чиқмоқ учун уқув керак, тажриба, билим керак. Ер билан бирга бўлиб, бирга нафас олмоқ лозим. Ўшандагина доғда қолмаймиз, меҳнатларимиз бесамар кетмайди. Аксинча, бошқа фермерларга ўхшаб миллионларнинг ҳисобини қиладиган бой бўламиз.

Абдуллажоннинг сўзларига қўшилмай бўладими?!

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касаначилик:

КОРХОНАГА — МАҲСУЛОТ, РЎЗҒОРГА — ДАРОМАД

Меҳнатга лаёқатли кишиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Қабул қилинаётган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятида ана шу ғамхўрликни ҳис қилиш мумкин. Масалан, бундан бир йил муқаддам, аниқроғи, 2006 йилнинг 5 январида Юртбошимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди.

Мазкур ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш орқали иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш йўли билан йирик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга киришилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан бирга касаначилик тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди. Ушбу Низом юртимизда касаначиликни ташкил этиш шартларини, шунингдек, касаначилар билан меҳнат шартномаларини тузиш тартибини, уларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар бериш, меҳнатига ҳақ тўлаш каби бир қатор имтиёзлар қўлланилиши устидан назорат қилиш механизмини белгилаб берди.

Касаначиликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати шундаки, қишлоқ жойларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ишли бўлишади. Бошқача айтганда, меҳнатнинг бу тури қишлоқ жойларида аёллар, шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқаролар тоифаларини ҳам кенг жалб этади. Президентимизнинг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиши эса мана шу йўлда олиб борилаётган ишларга янада устувор аҳамият берилишини билдиради.

Касаначилик ишлаб чиқариш соҳасида кийимлар тикиш (алоҳида элементларини), уларни таъмирлаш, матоларни бўяш, гилам тўқиш, тўқимачилик (иплар, миллий матолар), пойабзал тикиш (косибчилик), кўп меҳнат талаб қиладиган қўмаклашиш операцияларини (турларига ажратиш, тозалаш, қадоқлаш), электротехника воситалари (эҳтиёт қисмлари)ни йиғиш ва бошқа турларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса, у машинкада териш хизматлари (матнлар ва маълумотларни териш, матнларни таҳрирлаш ва ўгириш), ҳисоб-фактураларини тайёрлаш, конвертларни манзиллаштириш ва тўлдириш, почта жўнатмалари ҳамда реклама тайёрлаш, таомлар тайёрлаш, чорвачилик, паррандачилик ва ҳоказолар бўйича қўлланилиши мумкин.

Бозор сабоқлари

Фармон ва қарор шарофати билан касаначиларга кўпгина имтиёз, қулайлик ҳамда имкониятлар яратиб берилди. Айтайлик, корхоналар билан меҳнат шартномаси имзолаган касаначилар ишлаётган аҳоли тоифасига киради: меҳнат дафтарчаси берилади. Касаначиларга пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш пайтида улар ишлаган вақт меҳнат стажига ҳисобланади. Яна бир муҳим томони шундаки, касаначилик фаолияти амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмаслиги ҳам уларни ортиқча расмийлаштириш жараёнидан озод этиб, вақтларини тежаш имконини беради. Шунингдек, бажарилган буюртма корхонага қайтарилаётган пайтда маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар улгуржи савдо ҳисобланмасдан, уларга нисбатан ортиқча лицензиялар талаб қилинмаслиги, улар томонидан ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилинган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш, стандартлаш талаб этилмаслиги ҳам уларнинг ортиқча маблағларини тежайди.

Яхши биламизки, қайси бир фаолият тури бўлмасин, улар, албатта, назорат қилувчи органлар томонидан текширилади. Касаначиларга бу борада ҳам эркинлик берилган. Яъни, уларнинг фаолияти фақатгина буюртмачи — корхона қонунчиликда ўрнатилган тартибда назорат қилувчи органлар томонидан текширилгандагина амалга оширилади. Бошқа ҳолларда эса, ушбу органлар томонидан касаначиларнинг ортиқча вақтини олиб, иш унумдорлигини туширишга йўл қўйилмайди.

Энг муҳими, касаначиликни ривожлантириш аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳунармандчиликнинг жуда кўп турларини — косибчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик ва бошқаларни сақлаб қолиш ва уларни келгуси авлодларга етказиш имконини беради.

Ф.АҲМЕДОВА,
Н.РЎЗИБОЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари.

Иқтисодиётнинг қон томири





Мамлакатимиз иқтисодий қудрати мислсиз юксалиб бораётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарида эришаётган зафарларимиз салмоқли. Хўш, бу соҳанинг илдам одимлашида таянч бўлаётган омиллар нималардан иборат? Бизнингча, энг биринчи омил — бу иқтисодиётимизнинг асосий қон томири ҳисобланмиш электр энергиясидир.

Қашқадарё минтақавий юқори кучланишли электр тармоғи жамоаси ана шу масъулиятни тўла ҳис қилиб ишламоқда. Айни пайтда мазкур жамоада 430 нафар мутахассис ва ишчи меҳнат қилаётир.

— Минтақавий электр тармоғимиз вилоятдаги юқори кучланишли ўн тўртта трансформатор ва ҳаво узатиш линиясига хизмат қилади, — дейди тармоқ раҳбари Юнус Холиқов. — Айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида жамоамиз олдида катта масъулиятли вазифа турибди. Аҳоли ва ҳар бир корхона учун зарур бўлган электр энергиясининг ҳаракати доимо назоратимизда.

СУРАТЛАРДА: Қашқадарё вилояти юқори кучланишли электр тармоғига қарашли кичикстанция марказий бошқарув пульти оператори Зокир Лутфуллаев иш пайтида; очиқ таъмирлаш қурилмалари эл хизматида.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЕР СИЛКИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 8 январь куни соат 22 дан 22 дақиқа ўтганда ер силкинди. "Тошкент" марказий сейсмик станциясидан олинган маълумотларга қараганда, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 3-5 баллга тенг бўлган. Зилзила маркази Тошкент шаҳридан 190 километр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Тожикистон Республикасининг Исфара шаҳри ҳудудида (7 балл) бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида қурбонлар ва вайронгарчиликлар йўқ.

(ЎзА).

Мадад ўрнига тўсиқ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти йил сайин тубдан ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Барча жабҳадаги ислоҳотлар янада чуқурлашиб, тадбиркорлар ва фермерлар жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи, Ватанимиз истиқболининг ҳал қилувчи кучига айланмоқда. Албатта, бунда уларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўла кафолатланганлиги, соҳага доир қабул қилинган кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб турганлиги бош омил бўлмоқда. Зотан, ана шу меъёрий ҳужжатлар демократик жамиятда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш эса бундан буёнги устувор вазифалардан биридир.

ҲОКИМЛИКДАГИ КОМПЬЮТЕР

Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси тушумларига сотиб олиняпти. Бу қонунга зид эмасми?

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори тадбиркорликни ривожлантиришда янада кенг йўл очиб берди. Ушбу қарор ишбилармонлик ҳаракатига қанот бағишлаш билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун сарфланадиган сарф-харажатларни камайтириш, рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ҳамда сунъий ғовларни олиб ташлаш, бартараф этишга хизмат қилаётир.

Бир мисол. Қарорда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга бу ҳақдаги гувоҳномаларни бериш 2 кунда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Рўйхатдан ўтказувчи органлар тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг бир иш куни мобайнида ўша тадбиркорлик субъекти жойлашган ҳудуддаги ички ишлар, солиқ ҳамда статистика органларига расмий равишда бу ҳақда давлат реестридан маълумот юборишлари шарт. Бу маълумотга эса муҳр ва штамп эскизи ҳамда уларни тайёрлашга берилган рухсатнома нусхаси илова қилинади.

Бундан ташқари, солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектига бериладиган СТИР рақами 8 соатда электрон почта орқали етиб бориши қайд этилган.

Хўш, Хоразм воҳасида ушбу қарор талаблари қандай бажарилаяпти?

Очиқ айтиш керак, бу борадаги ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Қонунбузарлик ҳолатлари ҳамон учраб турганлиги шундан далолат беради.

Вилоятдаги шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларининг ўтган йилнинг сўнгги тўрт ойидаги фаолияти ўрганилганда, Урганч шаҳрида 8 та, Шовот туманида 7 та, Хива туманида 6 та, Қўшкўпир туманида 7 та, Янгибозор туманида 4 та, Боғот туманида 7 та, Хонқа туманида 3 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда қарорнинг у ёки бу талаблари қўпол равишда бузилганлиги ёки бажарилмаганлиги аниқланди. Яъни, баъзи тадбиркорларга солиқ органлари томонидан белгиланган муддатларда СТИР рақамлари берилмаган ёки рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан тадбиркорларга гувоҳномалар бериш сунъий равишда кечиктирилган. Натижада тадбиркорлар ўз фаолиятларини ўзлари истаган вақтда бошлай олмаганлар. Бундай тўсиқ қўйиш ҳолатлари, ўз навбатида, вилоят иқтисодиётининг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир гап. Қарорда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тушган йиғимлар фақат шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларининг моддий-техник базасини шакллантириш учун ишлатилиши белгилаб қўйилган. Аммо баъзи жойларда бунга беписандлик билан қаралган. Масалан, Гурлан тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ҳисоб рақамига тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишдан тушган йиғимлардан ўтган йилнинг сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида 11 миллион 942 минг сўмдан ортиқ маблағ туман ҳокимининг ҳотамтойлиги боис бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлигига нима дейсиз?! Урганч туманида ҳам худди шундай ҳолатни учратиш мумкин. Бу ерда қарор талабларига зид равишда, туман ҳокимининг фармойишига биноан, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишдан тушган йиғимлардан 3 миллион 85 минг сўмдан ортиқ маблағ бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Қўшкўпир тумани тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ҳисобига ҳам 2006 йилнинг 1 сентябридан 1 декабригача жами 2 миллион 579 минг сўмдан зиёд маблағ тушган. Ушбу йиғимларнинг 1 миллион 505 минг сўмига мебель сотиб олинган. Бироқ бу маблағлардан инспекция томонидан фойдаланилмаётганлиги кишини ўйлантириб қўяди. Шунингдек, ўша тушумларнинг 437 минг 690 минг сўмига рангли принтер олинган бўлиб, ундан туман ҳокимлиги фойдаланиб келмоқда.

Урганч шаҳар тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ҳисобига эса 2006 йилнинг сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида 175 минг сўм келиб тушган. Ачинарлиси, ана шу маблағ инспекция ёшуллисининг шахсий уяли телефони учун сарфланган. Бу раҳбар корхона ғазнасини ўзининг шахсий ҳамёни, деб билади, шекилли?!

Шовот туманидаги аҳвол ҳам кишини таажжублантиради. Туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекциясига тўлиқ иш шароити яратиб берилмаган. Инспекция ҳокимлик биносидан узоқда, яъни туман марказий ўйингоҳида жойлашган. Ходимлар бор-йўғи 2 хонадан фойдаланишяпти. Лекин улар зарур жиҳозлар билан таъминланмаган. Инспекциянинг ҳисоб рақамига тушган пул маблағига битта компьютер сотиб олинган бўлса-да, ундан туман ҳокимлиги фойдаланиб келмоқда.

Гурлан тумани ҳокимлиги томонидан ҳам тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекциясига атиги 2 та хона ажратиб берилган. Инспекциянинг икки бўлими бир хонада иш олиб бораётганлиги давлат рўйхатидан ўтиш учун келган тадбиркорлик субъектларига туман ҳокимлиги томонидан етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Янгиариқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекциясида эса 7 та компьютер мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттасидан туман ҳокимлиги фойдаланиб келаётир.

Тадбиркорга қўл бериш, унга кенг йўл очиш, елкадош бўлиш, қўллаб-қувватлаш бугуннинг талаби эканлигини англаб етишнинг вақти келмадимикан? Бу ишга масъул, тадбиркорлар келажаги учун қайғурадиган тузилмалар раҳбарлари қачон ўз ишларини ўнглаб оладилар? Мазкур саволнинг кўндаланг қўйилишидан мақсад шуки, якунланган йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қонунбузилиши ҳолатлари бу йил барҳам топиши керак. Бунинг учун ишга нафақат Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, балки бошқа бошқарув органлари ҳам масъулият билан ёндашишлари зарур, албатта.

Ўринбой АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Америка ҳарбий ҳаво кучлари ярим тунда Сомали жанубидаги қишлоқни бомбардимон қилди. Манбада келтирилишича, қишлоқда «Ал-Қоида» аъзолари борлиги ҳақида разведка хизмати маълум қилган. Ҳозирча Пентагон авиация ҳужуми берилгани ҳақидаги маълумотни расман тасдиқлагани йўқ. Бироқ Сомали ўтиш ҳукумати вакилининг маълум қилишича, Америка ҳаво кучлари Хайо қишлоғига камида 130 та ракета отган.

БМТ донор давлатларга мурожаат қилиб, ироқлик қочқинларга зудлик билан 60 миллион доллар ажратишларини сўради. Халқаро ҳамжамиятнинг қочқинлар ишлари бўйича Олий Комиссарлиги бошқармаси вакили мамлакатдаги мавжуд беқарор вазият кўпминг сонли аҳолини ўз уй-жойларини ташлаб чиқиб кетишига мажбур қилаётганини билдирди. Сўнгги олти ой давомида 500 минг нафардан ортиқ аҳоли ўз уйларини ташлаб кетган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 2 миллиондан кўпроқ ироқликлар мамлакатдан ташқарида, яъни Сурия, Иордания, Миср ва Ливанда яшамоқда.

Араб денгизида Америка сувости кемаси Япония танкерига урилиб кетди. Ушбу маълумотни икки мамлакат ҳукумати ҳам расман тасдиқлади. Манбада айтилишича, кутилмаган тўқнашув оқибатида ҳеч ким жабр кўрмаган. Ядро каллаклари ортилган сувости кемасида 127 нафар экипаж аъзоси бўлган. Айни пайтда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатдаги энергетика ва телекоммуникация соҳасини национализация қилиш режаси борлигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, ҳукуматнинг бу ҳаракати Венесуэланинг Куба сингари социалистик давлатга айланишидаги жиддий қадамдир. Ушбу мақсадга эришиш учун Уго Чавес мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритиш ташаббуси билан чиқди. У тез орада ўзининг ташаббуси юзасидан тайёрланган қонун лойиҳасини мамлакат парламентига тақдим этмоқчи.

АҚШ Сенатидаги демократлар етакчиси Гарри Рейд АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кампаниясини тўхтатиш учун ҳамма ҳаракатларни олиб боришга тайёрлигини маълум қилди. Хусусан, у мазкур мамлакатда Америка контингенти сонининг қисқартирилиши тарафдори. Бугун Жорж Буш Ироқдаги Америка сиёсатини ўзгартириш юзасидан миллатга мурожаат қилиши кутилаяпти. Оқ уйдаги норасмий манбалардан олинган маълумотларга кўра, Жорж Буш Ироқда ҳарбийлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, Буш Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш учун мамлакат конгрессидан 100 миллиард доллар ажратилишини сўрамоқчи.



Қозоғистон Бош вазири истеъфога чиқди. Мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев ўтаётган ҳафта давомида парламентга янги Бош вазир номзодини маълум қилади. Мамлакат конституциясига кўра, Бош вазирнинг истеъфоси бутун ҳукумат истеъфосини англатади. Даниал Ахметов 2003 йилда Бош вазир лавозимига тайинланганди.

Исроил Бош вазири Эхуд Ольмертнинг кеча Хитойга уч кунлик расмий ташрифи бошланди. Ҳозирда тахмин қилинишича, Бош вазир Хитой ҳукумати билан Яқин Шарқ муаммосини муҳокама қилиши кутилаяпти. Бундан ташқари, Эхуд Ольмерт икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласида ҳам хитойлик ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашмоқчи. У сафари давомида Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао ва Бош вазир Венем Цзябао билан учрашади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Нарпайнинг даласи, имконияту шароитлари қўшниларникидан фарқ қилмайди. Табиий қийинчиликлар ҳам бирдек. Аммо ҳосилдорлик борасида нарпайлик пахтакорлар қўшни туманлардаги ҳамкасбларига нисбатан анча устун. Ҳар йили қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — ғаллачилик ва пахтачилик бўйича белгиланган шартнома режалари ортиғи билан уддаланади, шунга яраша деҳқонларнинг даромадига-даромад қўшилади.

Ютуқлар калити – меҳнатда

Ўтган йилнинг кўкламида 11780 гектар майдонга чигит қадалганди. Ниҳолларнинг бир текисда ундириб олиниши, ҳар тип ғўза деҳқон ардоғида бўлиши натижасида ҳосил эрта пишиб етилди. Йиғим-теримга барвақт кирилиши, мавсумнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши эса пахта тайёрлаш бўйича белгиланган давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб бажариш имконини берди. Жами 32 минг тоннадан ортиқ ҳосил эса биринчи навларга сотилди. Бу ютуқда, табиийки, туманда фаолият кўрсатаётган 668 та фермер хўжалигининг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг 220 таси биринчи теримдаёқ зафар маррасини эгаллади.

— 2005 йилда пахтачиликдан 2 миллиард 600 миллион сўм фойда олган эдик, — дейди туман ҳокими Акбар Жамилов. — Ўтган йили эса бу кўрсаткич салкам икки баравар ошиб, 4 миллиард 800 миллион сўмга етди. Бу — деҳқоннинг чўнтаги пул кўрди, турмуши янада фаровон бўлди, дегани, албатта.

Ана шу муваффақиятларнинг асосий омили — деҳқон юмушига бўлар-бўлмас аралашавермасликда, дейишмоқда мутахассислар. У илмий терминлардан ўнчалик бохабар бўлмаса-да, ўз ерининг феъ‌лини, нуқсону фазилатларини яхши билади. Шу боис унга ҳадеб ўргатавериш, маслаҳатлар бераверіш фойдадан кўра кўпроқ зиён етказади. Унга самарали меҳнат қилиши учун етарли шароит яратиб беришнинг ўзи кифоя.

Бошқа жойларда бўлганидек, бугун Нарпайда ҳам ер тўлиқ фермерлар ихтиёрида, яъни ҳақиқий эгаларининг қўлида. Улар шундай фермерларки, деҳқончилик борасида ҳар қандай кучли мутахассис билан баҳслаша олади. Ҳар йили кўкламда ғўза икки қулоқ бўлганданоқ, уларнинг уйи далага кўчади.

Якун

Дашт ҳудудида меҳнат қилаётган Абдушукур Маҳмудов — тумандаги тажрибали фермерлардан бири. У бошлиқ «Абдушукур пахтакор» фермер хўжалиги ўтган йили дастлабки теримдаёқ белгиланган режанинг 140 фоизи миқдорида ҳосил йиғиштириб олди. Мавсум давомида эса ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил этди.

— Режани 200 фоиз уддаладик, — дейди Абдушукур Маҳмудов. — Қабул пунктларига топширган умумий пахтамизнинг 160 фоизи биринчи навларга қабул қилинди. Даромадимиз 26 миллион сўмдан ошди. Унинг 12 миллион сўми соф фойдадир.

«С.Қувонов» фермер хўжалигининг раҳбари Умржон Қувонов бултур илк бор «АН-Боёвут» нави уруғини эккан эди. У бу навнинг хусусиятлари ҳақида шундай дейди:

— Мазкур нав бизнинг шароитимизга жуда мос. Ҳосили тош босади. Ҳар бир чанокда 45 тагача чигит бўлади-да. Унинг сувга талабчанлиги эса бизни ташвишлантирмайди. Сабаби, ерларимиз анча захкаш. Шу сабабдан ҳам, доимий равишда маҳаллий ўғит жамғариш пайидан бўламиз. Минерал ўғит, ёнилғи борасида ҳам муаммо йўқ.

Ғолиб Орзиқулов, Нажим Даминов, Ваҳоб Равшанов каби фермерларнинг меҳнати ҳам таҳсинга сазовор. Уларнинг барчаси мўлжалдагидан салкам икки ҳисса кўп ҳосил етиштирди. Даромад ҳам шунга яраша.

Бугунги кунда эса нарпайлик пахтакорлар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, жорий йилда янги муваффақиятларга эришишга интилмоқдалар. Кузги-қишки тадбирлар деярли амалга оширилган бўлса-да, фермерларнинг бир оёғи ҳамон далада. Улар маҳаллий ўғит жамғараяптилар. Ҳаво ҳарорати сал илидими, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, тозалаш ва ободонлаштириш ишларини авж олдирмоқдалар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

БАРВАҚТ ҚИЛИНГАН ҲАРАКАТ – ҲОСИЛГА БЕРАР БАРАКАТ

Деҳқон ва фермерларни ёрдамчи-кўмакдоши сифатида

«АГРИМАТКО ЛТД» компанияси

ўз хизматларини таклиф этади.

«АГРИМАТКО ЛТД» компанияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бозорида 2003 йилдан буён Голландия, Швейцария, Японияниг энг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сабзавот ва полиз уруғлари, Бразилиянинг механик ҳамда моторли сув (дори) пуркагичлари билан таъминлаш юзасидан ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда.

Булар:

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

Инсектицидлар (ҳашаротларни бартараф этувчи) гуруҳи:
- *Нурелл-Д (циперметрин+хлорпирифос) (пахта, ғалла, боғлар);*
- *Вантекс (гамма-цигалотрин) (пахта, ғалла, картошка, боғлар, токзорлар);*
- *Пилармос (ацетамиприд) (пахта, бодринг, помидор, картошка, қанд лавлаги, тут қурти);*
- *Пиларкинг (имдаклоприд) (пахта, помидор, картошка, қанд лавлаги, боғлар);*
- *Пилармектин (абамектин) (пахта, помидор).*

Гербицидлар (бегона ўтларни йўқотувчи) гуруҳи:
- *Зеллек Супер (галоксифоп-R-метил) (пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзи, ажрик);*
- *Старане 200 (флуроксипир) (пахта, маккажўхори, пиёз);*
- *Дерби (флуметсулам-флорасулам) (ғалла).*

Фунгицидлар гуруҳи:
- *Топаз (пенконазол) (бодринг, токзор, олма, шафтоли, қулупнай, пиёз);*
- *Топсин-М (тиофанат-метил) (бодринг, токзор, олма, шоли);*
- *Пилартебу (тебуконазол+триадиметил) (ғалла, токзор, шоли).*

Сабзавот ва полиз экинлари уруғлари:
помидор (дала ва иссиқхоналар учун), бодринг (дала ва иссиқхоналар учун), булғор қалампири (дала ва иссиқхоналар учун), гулкарам (дала ва иссиқхоналар учун), карам, пиёз, сабзи, тарвуз, қовун.

Бразилиянинг механик ҳамда моторли сув (дори) пуркагичлари (боғлар ва далалар учун).

Шу билан бирга, юқори ҳосил олиш учун бизнинг малакали мутахассисларимиздан маслаҳат ва тавсиялар олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни маҳаллий дистрибьютор компаниялари орқали миллий валютага олишингиз мумкин. «АГРИМАТКО ЛТД» компанияси тақдим қилаётган маҳсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга.

Сизлардан қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Тошкент ш., Д.Кунаев к., 37/1. Телефонлар: (8-371) 152-17-35, 133-70-46.
Фарғона водийсида: Андижон ш., «Буюк Турон» к., 36-уй. Телефон: (8-374) 224-62-68.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 18 декабрь куни республика кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган аукцион савдоларида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг суд (тугатиш) бошқарувчиси томонидан қўйилиб сотилмаган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг мулкий мажмуаси **2007 йил 18 январь** куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қўйилади.

Савдоларга қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахслар қатнашиши мумкин. Харидор тугатилаётган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг мажбуриятлари бўйича ижросини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган талаблар асосида ўз зиммасига олади.

«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси мулкий мажмуасининг 2006 йил 1 октябрь ҳолатига бошланғич баҳоси — 172 858 400 000 сўмни ташкил этади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензиясидан кўчирмани тақдим этишлари ва объект бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдорида закалат пулини Республика кўчмас мулк биржаси марказий идорасининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхантоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, «Қора-қамиш-2/4» даҳаси, М.Ўразбоев к., 1-«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси марказий идораси. Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

***Лицензия*: DB 001 №000004.**

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Конимех туманидаги "Облақул бобо" фермер хўжалигини Навоий вилоятида яхши билишади. Мазкур хўжалик раиси Норқул Облақулов кўп йиллардан бери экинлардан юқори ҳосил олиб, даромади ҳисобига эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиб келади.

Ўтган йили тажрибали фермер 63 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 45 центнердан ҳосил олди. Олинган соф фойда ҳисобидан Конимех тумани марказий шифохонасига зарур тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш учун бир миллион сўм маблағ ўтказиб берди. Шунингдек, тумандаги 9-мактабга ҳамда "Нуроний" жамғармасининг туман кенгашига ҳам баҳоли қудрат кўмак берди.

— Юртбошимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди саховатли фермер. — Бу ўтган йилдаги эзгу ишлар узвий давом этади, демакдир. Биз ҳам ана шундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик ва мурувват уйларига қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш ниятидамиз.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моштабиб кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2007 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 2006 ЙИЛ 21 НОЯБРДАН 21 ДЕКАБРГАЧА ЎТКАЗИЛГАН

тендер голиблари ва резервистларини эълон қилади:

- **БОШ КИЙИМЛАР** («Ҳарбий кийим» ШК, «Кўқон пойабзали» ОТАЖ, «Osiyo mo`ynasi» ХИЧК, «Нишон-Н» ҚК, «Бош кийимлар фабрикаси» МЧЖ);
- **ТИКУВ БУЮМЛАРИ** («Бизинтруд Хоразм» МЧЖ, «АШПЦМРУ» ОАЖ, «Феруз Хоразм» АЖ, «8 Март» ОАЖ, «Самарқанд енгилсаноат» МЧЖ, «Ғунча» ОТАЖ, «Yengmattijmarkaz» ОАЖ, «PATROKL» ХК);
- **ТИКУВ-ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ** («GULTEKS» ХФ, «Textile Industries» МЧЖ, «Арабелла Класс» МЧЖ, «Tosh paypoq» МЧЖ, «Тўқимачи-Меҳнат» МЧЖ);
- **КУНДАЛИК, ДАЛА ВА СПОРТ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ПОЙАБЗАЛЛАР** («VISO» ОАЖ ҚК, «КОФРА» ҚК, «ORABIK» МЧЖ, «ADA LINK SERVIS» МЧЖ);
- **АСЛАҲА-АНЖОМЛАР** (МПУП МО РУ, «PATROKL» ХК);
- **ЁТАРЖОЙ БУЮМЛАРИ** («Ҳарбий кийим» ШК, «Умид» КК);
- **КОСТЮМЛИК ИП АРАЛАШГАН ЖУНЛИ МАТОЛАР** («Yengmattijmarkaz» ОАЖ, «PATROKL» ХК);
- **АССОРТИМЕНТДАГИ ПОГОНЛАР** («Учқун» МЧЖ ИЧК, «Нишон-Н» ҚК).

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02, 169-85-77.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

«Нурота туманида қурилиши тугалланмаган алоқа тармоғи биносини туман молия бўлими маъмурий биноси учун қайта реконструкция қилиш».

Қурилишни якунлаш муддати — 1 ой. Буюртмачи — Навоий вилояти молия бошқармаси.
Манзил: 706800, Навоий шаҳри, «Ғалаба» шоҳкўчаси, 226-уй. Телефон: (8-436) 226-05-88.
Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НУРОТА ТУМАНИ МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

«Навоий вилояти Нурота тумани мудофаа ишлари бўлими маъмурий биносини капитал таъмирлаш ва ташқи ёрдамчи иншоотлар қурилиши».

Қурилишни якунлаш муддати — 5 ой. Буюртмачи — Навоий вилояти Нурота тумани мудофаа ишлари бўлими.
Манзил: 704000, Нурота шаҳри, С.Сиддиқов кўчаси, 12-«А» уй. Телефон: (8-436) 523-14-41.
Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет томонидан вилоят мудофаа ишлари бошқармасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЁШ ҲАРБИЙЛАР ЙИҒИНИ

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театрида Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан ёш офицерлар йиғини ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари бўлган ёш ҳарбийлар, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг аълочи курсантлари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишдаги билимлари, касбий маҳоратларини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги раҳбарияти, ҳарбий қисмлардаги етук мутахассисларнинг маърузаларини, суҳбатларини тинглашди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаоллари, ёш офицерларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари билан бўлган учрашувлар янада қизиқарли ўтди. Ватан ҳимоячиларининг яшаш тарзлари, ҳарбий машғулотларию амалий фаолиятлари билан танишган меҳмонлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Осмон шунқорлари.

Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Элликқалъанинг алп йигитлари

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг юқори босқич курсанти Азамат Аҳмедов беш кунлик таътил олиб, 2007 йилни ота-онаси бағрида, Элликқалъа туманининг «Элликқалъа» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Чайка» маҳалласида кутиб олди. Янги йилнинг биринчи куни бўлғуси зобитни кўргани келган жўралари, қариндош-уруғлари Азаматни уйидан топа олмадилар. У эртароқ уйғониб, қишлоқ чеккасига, «Аёзқалъа» ёдгорлиги томонидаги улкан зовур бўйига кетган эди. Тоғни талқон қиладиган йигирма икки яшар ўғлон у ерда учта қуриган жийда дарахтини кўрган эди: учовини ҳам кесиб саранжомлади-да, биттасини уйига келтирди, иккитасини икки муҳтож оилага, қарияларга элтиб берди. Унинг бу хайрли иши кўпчиликнинг тилига тушди.

Азаматдан ташқари ҳам ҳарбий касбларга меҳр қўйган элликқалъалик алп йигитлар кўп. Улар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий авиация ҳарбий билим юртида таълим олмоқдалар. Мисол учун, ўтган икки йил давомида тумандан 11 нафар ўғлон — Икром Оллоберганов, Жўрабек Тожибоев, Одилбек Камолов, Икром Сафоев, Жавлонбек Полвонов, Акмал Қозоқов, Алибек Шарипов, Руслан Ўрозбоев, Юсуфбой Отажонов, Камолиддин Шариповлар олий ҳарбий билим юртларига қабул қилиндилар.

— Ёшларни Куролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлаш бўйича таъсис этилган мамлакат кўрик-танловида биринчи ўринни олдик, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Менгес Аллам-бергенов. — Танлов якунига кўра, «Дамас» русумли автомашина билан мукофотландик.

Бундан кейин ҳам мустақил мамлакатимизга муносиб Ватан ҳимоячилари тайёрлаш йўлида ҳаракат қилаверамиз.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

СОЧИ – АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Россиянинг Сочи шаҳри 2014 йилда ўтадиган қишки Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилишга асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

Куни кеча «Сочи—2014» ташкилий қўмитаси Лозаннада жойлашган Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳига тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этди.

Уч жилд, 500 бетдан иборат ушбу ҳужжатда қишки Олимпиада ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар — қурилажак спорт иншоотлари схемаси, мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари дастури, Олимпиада иншоотлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, Россия ҳукумати қишки Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказишга жиддий ҳозирлик кўраяпти. Сочида иккита Олимпия шаҳарчаси, 200 километрлик янги автомобиль ва темир йўл, бир йилда тўрт миллион йўловчини қабул қила олиш имкониятига эга бўлган замонавий аэропорт терминали ва 3-5 юлдузли меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. Ҳукумат томонидан бу ишларга 313,9 миллиард рубль ажратиш масаласи кўриб чиқиляпти.

Эслатиб ўтамиз, навбатдаги қишки Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказиш учун Сочи шаҳридан ташқари, Австриянинг Зальцбург ва Жанубий Кореянинг Пьончанг шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилмоқда.

Халқаро Олимпия қўмитасининг жорий йил 4 июлда Гватемалада бўлиб ўтадиган 19-сессиясида ғолиб шаҳар номи эълон қилинади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Гуркираб турган гулшан

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова умр йўлдоши, фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти совриндори, файласуф, санъатшунос, ёзувчи ва драматург Тилаб Маҳмудов билан ярим аср мобайнида ёнма-ён яшаб, ўзаро суҳбатларда унинг ҳаёт, ижод, адабиёт ва санъат ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларини кундаликларига ёзиб юрган. Бу битиклар журналистнинг «Ярим аср ёнма-ён» эссе-қиссасига мавзу бўлибди. Қуйида китобдан айрим лавҳалар билан танишинг.

Ойдин бекат

Ҳаётда қалам созига тушмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Дунё шу қадар ранг-баранг, шу қадар зиддиятли воқеаларга бойки, ёзувчи учун ҳамма вақт мавзу етади. Бу ларда энг муҳимларини танлаб олиш ёзувчи иқтидори, диди ва дунёқарашига боғлиқ.

* * *

Баъзида на устозлар ва на шогирдлар бир-бирларининг ёзганларини ўқишади. Ижодкорлар ўртасида бир-бирларини инкор қилиш, бир-бирларига бефарқлик сезилади. Бир-бирларининг ижодини билмаган одам бир-бирини яхши танимайди, яхши билмайди, ахир.

* * *

Ижод аҳли ўз нафосат гулшанининг абадий гуллаб, гуркираб туришини орзу қилади. Бугун яратган бадиаси эртага унут бўлмаса, бугун куйлаган қўшиғи эртанги авлод тилидан тушмаса, бугун сажда қилган гўзаллик мулки эртага талон-торож бўлмаса!

* * *

...Ижод, гўзаллик, нафосат ва самимият уруғлари ҳеч қачон изсиз йўқолмас, қаердадир, кимнингдир юрагидан паноҳ топиб, баҳор япроқлари янглиғ кўкариб, гуркираб ўсар экан.

* * *

Унинг ҳар бир ёзган ҳикояси ички табиатидан келиб чиқиб яратилган. У ўз кўнглидан ўтказмаган, ўзи қийналмаган мавзуга қўл урмайди. Ҳар бир образ унинг кўнглидан, ақл-заковатидан ўтиб, қалбида етилганидан сўнг шалоладай қуйила бошлайди. Мавзулари оддий халқ ҳаётидан бўлгани учунми, ҳикоялари одамларга жуда яқин, ҳайратли сезилади. Ёзувчи учун бундан ортиқроқ бахт йўқ, албатта.

* * *

Адабиётда инсоннинг яшаш учун курашидаги виждон ёки виждонсизлик билан тўқнашувини кўрсатиш керак. Худо берган умрни виждонли ҳам, виждонсиз ҳам яшаб ўтади. Ана шу икки қутб ўртасидаги одамларнинг яшаш тарзини, тўқнашуви, курашини кўрсатиш керак.

* * *

Вақт деб аталмиш буюк салтанатда инсон учун бошқа мавжудотларга нисбатан жуда узоқ, аммо коинот умрига қиёс этганингда — жуда қисқа умр ажратилган. Ана шу хаёлдай учиб ўтадиган умрнинг боқийлиги, турмушнинг лаззати ва меҳнатнинг файзи инсон маънавий бойлигига, қалб кўзининг зийраклигига ва ақл тиғининг ўткирлигига боғлиқ.

* * *

...Мабодо биз турмуш қурмай, узоқлашиб кетганимизда ҳам кейинчалик албатта топишиб олардик. Негаки, бизнинг орамизда катта муҳаббат бор эди...

* * *

Ҳаёт — ҳаракатда, деган иборанинг амалдаги исботини Тилаб акамда кўраман. Доимий ҳаракат, доимий меҳнат шарофати бўлса керакки, у етмиш ёшида ҳам саломатлигидан нолимайди.

* * *

Ижоддаги сир, ҳикмат ва жозиба яна шундаки, ижодкор бир дақиқа ёки бир кундан кейин қандай мавзу, қандай ўй-хаёл уни чулғаб олишини билмайди. У ҳатто яратажак ёки яратилган асарнинг тақдири нима бўлади, севиб ўқиладими ёки бир китобхон ҳам тополмай макулатурага ташланадими, буни ҳам билмайди. Ижодкор қалбида бир ишд бор: у — яратиш, мукаммалликка, илоҳийликка интилиш дардидир.

Дилбар МАҲМУДОВА.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик қўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO
J&S
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

офис техникаси сарфлаш материалларини харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида соат 9.00 дан 17.00 гача (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Маълумотлар учун тендер кенгаши котиби Р.Абдуқодировга мурожаат қилиш мумкин.
Телефон: 120-76-00
(ички тел.: 28-60, 28-66).
Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитаси.

А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театри ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори **Кўркмас МУҲИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси марказ директорининг ўринбосари Анвар Юнусовга онаси **ДОНОХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Мирзо Улуғбек филиали бошқарувчиси Алишер Ғаниевга падари бузруквори **ҒАЙБУЛЛО отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.20 23456